

ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА ХАМСАЧИЛИК АНЪАНАСИ

THE TRADITION OF KHAMSA-WRITING IN UZBEK CLASSICAL LITERATURE

Азимова Лола Каримовна,
Ўзбекистон халқаро исломшунослик
академияси доценти, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Azimova Lola Karimovna,
Associate Professor at the Uzbekistan
International Islamic Academy,
Doctor of Philosophy (PhD) in Philology.

Аннотация. Мақолада ўзбек мумтоз адабиётида форс-тожик адабиётининг йирик вакили Низомий Ганжавий ижодининг таъсири масаласи XIV-XV асрларда яшаб ижод этган Қутб Хоразмий ва Ҳайдар Хоразмий асарлари мисолида таҳлилга тортилган. Туркий ижодкорлар Навоий аънасини давом эттирган ҳолда “Хамса” дostonларидан илҳомланиб, эркин таржима қилиш орқали ўзига хос дидактик, ишқий мазмундаги асарларни юзага келтирганликлари маълумотлар асосида қисман ёритилган. Шунингдек, Низомий ва туркийгўй ижодкорлар асарлардаги умумийлик ҳамда фарқли жиҳатлар адабиётшуносларнинг илмий-адабий таҳлиллари орқали изоҳланган.

Калит сўзлар: аънана, асар, ғоя, дидактика, ахлоқ, адабиёт, ижод, хамсачилик, сюжет, композиция.

Abstract. The article examines the issue of the influence of the творчество of the prominent representative of Persian-Tajik literature, Nizami Ganjavi, on Uzbek classical literature. This issue is analyzed through the works of the fourteenth–fifteenth century Turkic poets Qutb Khwarazmi and Haydar Khwarazmi. It is emphasized that Turkic authors, continuing the tradition of Alisher Navoi, drew inspiration from the poems of the “Khamisa” and, through the method of free translation, produced distinctive didactic and romantic works. Furthermore, the similarities and differences between the works of Nizami and Turkic-speaking authors are elucidated through scholarly literary analyses and critical interpretations.

Keywords: tradition, literary work, idea, didactics, morality, literature, creativity, Khamisa-writing tradition, plot, composition.

Туркий халқлар адабиётида хамсачиликка, хусусан “Хамса” дostonларига қизиқиш XIII-XIV асрлардан бошланган бўлсада, аммо унинг шаклланиш ва мустақил бадиий асарларнинг юзага келиш даври XIV–XV асрларга тўғри келади. Форсий адабиётда илк хамсачиликни Низомий Ганжавий, Ҳусрав Дехлавий бошлаб берган бўлса, сўнгра шу тилда Абдурахмон Жомий ижодий бакамолликка етказди. Сайёр сюжетлар асосида юзага келган мазкур ижод намуналари туркий халқлар адабиётида ҳам ўзига хос сюжет, композиция ва образга эга бадиий асарларнинг юзага келишига туртки бўлди.

Алишер Навоий туркий хамсачилик тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган ва Низомий Ганжавий ижоди даражасига кўтарган йирик мутафаккир саналади. Навоий устоз хамсанависларнинг

юксак санъаткорлигини эътироф қилган ҳолда шарафлаган ҳамда уларнинг адабий тажрибаларидан таълим олган [1:421]. Бу хусусда, адабиётшунос Н.Маллаев “Навоий “Хамса”си уч юз йиллик тажриба ва традицияга эга бўлган хамсачилик тараққиётида янги ва йирик адабий ҳодиса бўлди”, дея Навоий яратган бадиий ижодни туркий хамсачиликнинг юксак намунаси сифатида баҳолаган эди [1:421]. Албатта, “Хамса”даги беш дoston Навоий ижодий устахонасида анча сайқалланган, бадиий жиҳатдан пухта, воқелик баёни, образлар тизимида занжирий узвийлик ва ҳамоҳанглик ўзига хос тарзда бадиий талқин этилган. Мутафаккир икки йилдан ортиқроқ вақт мобайнида 51 минг мисрадан иборат 5 дostonини яратган.

Навоийнинг “Хамса”си мазмунан пухта, адабий юксак савияда ёзилган ижод намунаси сифатида XV асрдаёқ ўз даври ижодкорларининг эътирофига сазовор бўлган. Шу жиҳатдан, туркий халқлар орасида “Хамса” дostonлари ниҳоятда машҳур бўлиб кетганлигидан XV-XVIII асрларда қўлёзма ҳолида, XIX аср охири ва XX аср бошларида тошбосма нашрларда халқ орасида кенг тарқалган [2:2]. Айниқса, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” дostonлари котиблар томонидан бир неча бор қайта-қайта кўчирилган.

Ижодий баркамоллик кейинги давр туркийгўй ижодкорларнинг “Хамса” дostonларига бўлган қизиқишини оширишга, янги рух, ижодий тажриба асосида ўзига хос бадиий ижод намуналарини ёзишга илҳомлантирган. Хусусан XIV-XV асрларда яшаб ижод этган Қутб Хоразмий ва Ҳайдар Хоразмий “Хамса”дек йирик ҳажмли асар ёзмаган бўлсаларда, аммо унинг таркибидаги дostonларга бўлган қизиқиш уларни ўзига хос бадиий ижод намуналарини юзага келтиришда манба вазифасини ўтаганлигини кўриш мумкин. Мазкур ижодкорлар эркин ижодий таржима йўлини танлаган ҳолда “Хамса” дostonларини Низомий меросига таяниб ёзганлар. Бинобарин, туркий хамсачиликда Навоийга тенглаша оладиган даражадаги юқори бадиий савиядаги асар ёзиш катта ижодий меҳнат ва адабий жараёни талаб этган.

Қутб Хоразмий ва Ҳайдар Хоразмий асосан ишқий, ахлоқий мавзудаги дostonларга қўл урган. Чунончи ўз даври ҳукмдорларига бағишлов сифатида ёзилган мазкур дostonларда давр, ижтимоий муҳит, сиёсий вазият нуқтаи назардан адабий баҳолаш юқори эканлигини билиш мумкин. Ҳар икки ижодкор асарларга эркин ёндашган ҳолда “Низомий болидан ҳалво пишур”ишга урунганлар. Хусусан Қутб бу борада шундай дейди:

*Қозонтег қайнаб уш савдо бишурдум,
Низомий болидан ҳалво пишурдум.*

Гарчи Қутб камтарлик билан ўз таржимасини Низомий болидан пиширилган ҳолва деб айта ҳам, у ниҳоятда катта меҳнат самараси ва буюк истеъдоднинг зуҳури деб айтиш мумкин. “Хусрав ва Ширин” дostonи “Қутадғу билиг”дан кейин туркий тилда маснавийда ёзилган нодир асарлардан ҳисобланган [3:38-39].

Қутб Хоразмий Низомий дostonидан фарқли ўлароқ Олтин Ўрда хонларидан Ўзбекхоннинг ўғли Тинибек мадҳини келтириб, ўз даврини кузатиш асосида пайдо бўлган қарашларини бадиий ифодалайди. Шунингдек, Низомий образларини сақлаган ҳолда асар таржимасига ижодий ёндашган. Асарда Қутб томонидан кўшилган ҳамда халқ оғзаки ижоди ва урф-одатлари сингдирилган ўринлар ҳам бор. Айни пайтда, Низомий дostonи матнидан қискартирилган ўринлар, ўзгартирилган географик номлар ҳам мавжудлигини кўриш мумкин. Низомий дostonи 100 бобдан иборат бўлиб, 6 мингдан зиёдроқ байтни ўз ичига

олган. Қутб эса, ўз асарининг умумий мазмунига алоқасиз ҳисоблаган бир қатор бобларни қисқартириб, айрим бобларни ихчамлаштириб, бир-бирига қўшиб юборган ҳолда 91 боб қилиб белгилайди. Айниқса, ўз даври сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, асар муқаддимасига “Шаҳзода Тинибекхон мадҳи”, “Малика марҳума Хонмалик мадҳи”, “Китоб назм қилмоққа сабаб баёнин аюр” бобларини қўшган [3:40]. Шу жиҳатдан, ҳар икки ижодкор асарида умумийлик билан бирга, фарқли жиҳатлар ҳам кўзга ташланади. Хусусан Низомий достонида асосий мақсад муҳаббат фалсафаси ва инсон руҳиятини очиш ҳамда нафақат ишқий, балки ирфоний-фалсафий асар сифатида талқин этиш, баланд поэтик услуб, мураккаб ташбеҳлар, рамзлар ва фалсафий фикрларга бойлилик, сюжетни мураккаб композиция билан қуриб, ортиқча воқеаларсиз ихчам ва бадий мувозанат сақлаш, муҳаббатни маънавий камолот йўли сифатида талқин қилиш кузатилса, Қутб Хоразмида эса, кўпроқ халққа тушунарли ишқий-саргузашт дoston сифатида қайта ишлаш, асосий эътибор тарбиявий ва ҳикоявийликка қаратиш, соддарок, равон туркий тил, халқона ифода ва тушунарли баён, айрим эпизодларни кенгайтириш, баъзи саҳналарга қўшимча тафсилотлар киритиш ва шу орқали драматикликни кучайтириш ҳамда муҳаббатни ҳаётий ҳиссиёт ва инсон муносабатлари нуқтаи назаридан кўрсатиш каби хусусиятлар кўзга ташланади.

Ҳайдар Хоразмий ҳам Низомий Ганжавийнинг “Маҳзан ул-асрор” достонига жавобан “Гулшан ул-асрор” номли туркий тилда асар ёзиб, Султон Искандарга бағишлаган. Низомий достони Эрзинжон ҳокими Фахриддин Баҳромшоҳ мадҳи ила ўз даврининг муҳим ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий масалаларига бағишланган ҳолда 20 мақола ва ҳар мақолага оид 20 ҳикоя бўлса, Ҳайдар ижоди ҳажман анча кичик – 639 байтдан иборат [4:23]. Асар Низомийникидан фарқ қилиб, аввал ҳикоя, сўнг шу ҳикоядан келиб чиқадиган хулоса ва фикрларни умумлаштирувчи боб келтирилган. Хусусан, мақолот, маъвиза ҳамда “Пулини йўқотган киши ҳикояти”, “Бўз тўқувчи ва баззоз ҳикояти”, “Ҳотами Той ҳикояти”, “Маҳмуд Ғазнавий ҳақида ҳикоят”, “Хорун била Баҳлул ҳикояти”, “Темурбек ҳикояти” каби ҳикоятлар келтирилган [5:210]. Ҳикоятлар панд-насихат мазмунида бўлиб, уларда фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий масалалар қаламга олинган. Шунингдек, олижаноб инсоний фазилатлар тарғиб қилинган, меҳнат ва меҳнат аҳли улуғланган. Султон Искандар мадҳи ва бу орқали марказлашган давлат ҳамда одил ҳукмдор ғояси илгари сурилиб, ахлоқ-одоб, меҳнатсеварлик, сахийлик, ростгўйлик тарғиб этилган. Ҳайдар Хоразмий бу асари орқали ўзбек адабиётида шеърӣ ҳикояни ривожлантирган.

Умуман олганда, Низомий Ганжавий ва Ҳайдар Хоразмий асарларида сюжет ва ғоявий йўналишда умумийлик билан бирга, аммо баъзи ўринларда фарқли жиҳатлар кўзга ташланади. Хусусан, Низомий ҳикоятларида фалсафий мазмун устунлиги, ишора ва рамз орқали баён, ихчам ифода, тафаккурга ундаш, қаҳрамонларни кўпроқ рамзий тимсол сифатида ифодалаш, ирфоний таълим каби хусусиятлар етакчилик қилса, Ҳайдар Хоразмида эса, ахлоқий тарбия устунлиги, содда ва халқона услуб, воқеаларни кенгайтирилган ҳолда баён этиш, қаҳрамонларни ҳаётий ва ҳаракатчан персонаж сифатида тасвирлаш, сабоқ чиқаришга чорлов ҳамда амалий жиҳатдан ахлоқий ўғит бериш каби хусусиятлар бадий ёритилишини кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек мумтоз адабиётида сайёр сюжетлар асосида юзага келган асарлар талайгина. Туркий адабиётда юзага келган асарларнинг аксарияти форс-тожик, қисман араб адабиёти таъсирида шаклланганлигини кўриш мумкин. Чунончи,

республикамиз фондларида сақланаётган XVI-XIX асрларга оид қўлёзма манбаларнинг аксарияти эркин таржима ёки сайёр сюжетлар асосида юзага келган асарлар ҳисобланади. Юқорида Низомий Ганжавий ижодининг туркий адабиётга таъсирини Қутб Хоразмий ва Ҳайдар Хоразмий адабий мероси мисолида қисман таҳлилга тортилди. Ҳар икки ижодкор ўзбек адабиётида фалсафий-дидактик мавзунини янада такомиллаштиришга ҳисса қўшган. Асарлар сюжети ва ғоявий йўналишига мос миллий руҳ, ахлоқий қарашларнинг бадиий талқини ижод намуналарини янада таъсирчанлигини ошириш баробарида ўқимишли чиқишини таъминлаган. Шу жиҳатдан, туркий адабиётда юзага келган ҳар икки ижод намуналари ахлоқий, фалсафий-дидактик асарлар сифатида жамият маънавий-маърифий такомиллигига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1965.
2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Хамса. Ҳайратул-аброҳ. 20 томлик, 7 том, – Т.: “Фан”, 1991.
3. Раҳмонов Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Ўқув қўлланма. – Т. 2017.
4. Маллаев Н. Низомий Ганжавий. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2015
5. Ҳайдар Хоразмий. Гулшан ул-асроҳ // Ziyouz.kutubxonasi (elektron).
6. Atabayeva G. Nizomiy Ganjaviyning “Xamsa” asridagi obrazlar tahlili va genezisi. // “Nizomiy Ganjaviy va xamsachilik an’anasi” mavzusidagi xalqaro ilmiy anjuman. 2024. <https://oriens.uz/conference/article/nizomiy-ganjaviyning-xamsa-asridagi-obrazlar-tahlili-va-genezisi>
7. Исмоилов И. Алишер Навоийнинг Низомий ва унинг «Хамса»сига муносабати (электрон мақола). Uza.uz. <https://www.bing.com/search?pglt>